

Маҳмуд Замахшарий ва Жалолиддин Румий қарашларида инсоннинг камолоти

ТАТУ Қарши Филиали
“Гуманитар ва ижтимоий фанлар”
кафедраси мудири
ф.ф.н., доц Надирова Зойира Паяновна

Жамиятда ахлоқий, ҳуқуқий нормалар шаклланган даврлардан бошлаб, инсоннинг ҳар бир ҳатти ҳаракати атроф муҳитга, жамиятга таъсири ва таъсирлар жараёнидаги муносабати ҳамда инсоннинг маънавий-руҳий олами, тафаккуридаги ўзгаришлари ва шу жараёнда кечадиган барча муаммолар файласуф олимларни қизиқтириб келган. Бугунги кунга келиб, глобал муаммолар замирида ётган инсон ҳаёти, тафаккури, руҳий олами энг олий қадрият ҳисобланади.

Хоразимнинг чекка қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган буюк алломалардан бири Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийдир. Унинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд Ибн Умар Ибн Муҳаммад бўлиб у ҳижрий 467 сана ражаб ойининг 27-чиси чоршанба куни милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19-мартда Хоразимнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган. Шу боисдан Аз-Замахшарий таҳаллусини олган. Буюк мутафаккир Замахшарий бизга бой илмий мерос қолдирган. Замахшарий грамматика, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фиқих, мантиқ ва одоб ахлоққа оид 50 дан ортиқ асарлар яратган. Уларнинг аксарияти бизгача етиб елган. Замахшарийнинг ахлоқий фикрлари инсон ахлоқидаги мардлик, олижаноблик, дустлик, ҳалоллик ва шу каби фазилатларни эгаллаш билан бирга такаббурлик, хасислик, ялқовлик порахурлик, ғийбат, ҳийлакорлик, миннат каби иллатларни қаттиқ танқид қилади.

Замахшарий фикрича, “такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас, Эй кибр соҳиби! қимматбаҳо тошлардан азизроқ

бўлсангда ҳақиқий инсонларга лойиқ бўлган ишларни бажо келтиргин”, деб таъкидлайди Замахшарий.

Умуман олганда, инсоннинг маънавий олами унинг ахлоқий нормалар тамойиллар ва категорияларга амал қилиши ва ўзида шакллантириб бориши натижасида бойиб боради. Шундай мутафаккирлар инсоннинг кўпроқ ахлоқий муаомаларига эътибор қаратишган. Жумладан, таъмагирлик иллати нафақат инсоннинг ўзига (виждон категорияси) балки жамият давлат учун ҳам инқирозни келтириб чиқарувчи иллат ҳисобланади.

Инсоннинг руҳий оламини бир бутун хазина манбаи деб ҳисоблаган Жалолиддин Румий (1207-1273) Балх шаҳрида туғилиб ўсди. Румий асарларида ташбеҳларга ўралган фалсафий, суфиёна теран ғояларга кенг ўрин берилган.

Жалолиддин Румий Қуръони карим оятлари ва ҳадисларидан фойдаланиб ўзининг “Ичингдаги ичингдадир” асарида шакл ва мазмун, ҳодиса ва моҳият, жисм ва руҳ тушунчаларини ўрганган ҳолда инсон ҳаётида учрайдиган қарама қарши ҳолатлардаги фикрларни илгари суради. Улардан бири: “Одамлар кўп ҳолларда кўзга кўринган ташқи белгилар, сурат шаклларга қараб ҳукм чиқарадилар. Сийрат ва моҳиятни англашга ожизлик қиладилар”¹. Румий таъкидича, инсон ҳадеб оламнинг ташқи сир саноатига ўралашиб қолмасдан, балки руй бераётган ҳар бир ҳодиса ва жараённинг моҳиятига, келиб чиқиши ва оқибатига эътибор қаратиши лозим. Чунки, моҳиятни эгалламасдан, илм маърифат қозониш мумкин эмас.

Румий инсондаги руҳ тушунчасига эътибор қаратади. У руҳни латиф, мулойим ва назокатли деб билади. “Руҳ ғайбдан инсон қалбига кириб келади, у инсон ҳаётининг асоси”² деган фикрни илгари суради. Демак, инсоннинг руҳий олами унинг тафаккурини, онгини, оламга муносабатини яхлит ифода этувчи мураккаб тизим, деб ҳисобласак бўлади. Айнан инсон онги, тафаккури билан эришган бугунги фан ютуқлари, техника тараққиёти албатта

¹ Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.Б 121.

² Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.Б 122.

тафаккурдан ҳам юқори бўлган руҳият оламига тегишли. Инсон ижодкор мавжудот, ижод жараёни руҳий ҳолат ҳисобланади. Унда мантиқ белгилаган тафаккур ожизлик қилганда инсонни руҳият билан боғловчи кўприк интуиция намоён бўлади. Объект ва субъектнинг (тадқиқотчи ва предметнинг) ўзаро муносабати ҳиссий билиш, ақлий билиш, эмоционал билиш жараёнида инсоннинг руҳияти бевосита иштирок этади. Инсон жисмоний хусусият ва руҳий ҳислатлар бирлигидан иборат яхлит тизим. Унинг бир қаноти илмий тафаккур бўлса, бир қаноти руҳий-маънавий олами ҳисобланади.

Жалолиддин Румий руҳнинг хусусияти деб мулоҳимликни келтиради. “Мулоҳимлик юксак мартабага кўтарилган руҳ фазилати, у инсонни тараққиёт такомиллик, уйғунлик – гармония белгиси”³ деб ҳисоблайди. Бизга маълумки, инсон яратган маданият ва маънавият (музыка, рассомлик, шеърят) инсон руҳиятидаги мулоҳимлик хусусияти туфайли намоён бўлади. Инсоният тараққиёти кўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаҳлдан ақлга томон ҳаракатдадир.

Румий таъкидича, инсон Тангрининг устурлобидир ва бу устурлобда бутун олам кўринади. Инсоннинг руҳий борлиғи ундаги илоҳий кучдир ва бу куч оламдаги барча нарсаларни бирлаштиради. Шу боис инсонни ижодкор деб атай оламиз. Инсондан ташқаридаги олам унинг ички оламида акс этади. Бу икки оламини бирлаштирувчи инсон эса ўзининг руҳий қудрати орқали оламга нур таратиб туради ва олам моҳияти инсон руҳий ҳаётининг моҳияти орқали очилади. Ж.Румий фикрича, инсон қалбигина нарсаларнинг моҳиятидан хабардор. Лекин бунинг учун инсон қалби пок ва равшан бўлмоғи керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, инсондаги тана, руҳ ва булар натижасидаги тафаккур, муносабат фаолият, эҳтиёж, маънавият бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини юзага келтирадиган руҳий ва

³ Румий, Жалолиддин. Маънавий Маснавий: Куллийёт. Ж.1.К.1/ Таржима шаҳри билан; / Таржимон А. Маҳкам; Маъсул муҳаррир Т. Маҳмудов/.—Т.: Шарқ, 1999. Б 9.

ақлий ҳолатлар ҳисобланади. Инсон ижодкор, яратувчи мавжудот экан, биз уни болалигидан тўғри таълим-тарбия, ақлий тарбия билан бирга маънавий тарбияни ҳам шакллантиришимиз зарурдир. Бугунги маънавиятли ёшлар эртага келажагимиз бўлиши, шубҳасиз.

Рухият тушунчаси онг тушунчасига қараганда кенгроқ бўлиб, руҳий ҳолат деганда барча онгланган ва онгланмаган жараёнлар, шахснинг руҳий хусусиятлари назарда тутилади. **Онг** – инсон ижтимоий тараққиётида воқеликни руҳий акс эттиришнинг олий шаклидир.

Тафаккур – объектив олам инъикосининг олий шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёнидир. Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида пайдо бўлади. Бундан кўриниб турибдики, руҳият, онг, тафаккур маънавиятнинг кўриниши, асоси ҳисобланади. Буларнинг барчаси инсоннинг ақлий ва руҳий оламининг

бирлигида, яхлитлигида намоён бўлади. Инсоннинг бир бутун оламга, жамиятга, ўзига бўлган муносабати унинг тафаккурида, руҳиятида ўз аксини топади.



- а) руҳият
- б) маънавият
- в) онг
- г) тафаккур
- д) тушунча

Инсон доимо оламнинг тузилиши, ундаги мавжуд нарс ва ҳодисаларнинг намоён бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини билишга интилиб келган. Билиш жараёни ҳиссий ва ақлий билишдан иборат бўлиб қолмасдан, интуицияни ҳам ўз ичига олади. Инсон ҳаётида кутилмаган вазиятларда ахборотлар чекланган шароитда, муаммога ечим топиш эҳтиёжига, интилишида худди “олдиндан сезгандай” ҳис қилиши, узок масофадаги унга тегишли бўлган воқеа ҳодисаларни кўнглидан ўтказиши ҳолатларни биз интуициянинг намоён бўлиш хусусиятларидан бири деб аташимиз мумкин.

Интуиция –(лотинча “intuitio” синчиклаб қарайман) ҳақиқатни далил билан исботламасдан бевосита фаҳм фаросат билан англаб олиш қобилиятидир. Интуициянинг ҳиссий, ақлий, эмоционал ва мистик(илоҳий) турлари мавжуд бўлиб, ақлий мушоҳадага боғлиқ бўлмаган ҳолда тушунчадан олдин келадиган интуитив сезиш ҳиссий интуиция дейилади. Ҳодисалар моҳиятини бирданига ақл билан илғаб олиш интеллектуал интуиция дейилади. Бирор нарсанинг қадр қимматини ҳиссиёт орқали англаб етиш жараёнида эмоционал интуиция намоён бўлади. Илоҳий қудрат билан мулоқат жараёнида вужудга келадиган руҳий илҳом жараёнида мистик интуиция намоён бўлади.

Ҳиссий интуиция	Интеллектуал интуиция	Эмоционал интуиция	Илоҳий интуиция
Сезги органлар	тафаккур	Ҳис-туйғу	Шуъла –нур кўринишида намоён бўлади.

Биз ушбу интуиция турларидан илоҳий интуиция ҳақида тўхталиб ўтамиз. Психоанализмда интуиция ижод руҳий ҳолатдаги илк тамойили деб талқин этилади. Шарқ фалсафасида интуицияни “илоҳий илҳом” ёки “илоҳий зеҳн” деб аташган. Тасаввуф фалсафасида илоҳиёт илми ақлга сиғмайдиган, ақл ўлчовларидан баланд турадиган илм сифатида ўрганилади. Ибн ал-Арабий суфийларга нисбатан тасаввуфга илмий шакл беради ва инсон билимларини учга бўлади: “а) ақлий-ҳиссий билимлар; б) ҳол илми; в) сиру асрор илми.”⁴ Биринчи илм зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган суфийлар илми деб ҳисоблайди. Учинчи илм авлиёлар илми. Бу илм муқаддас руҳлар орқали келади, шуъла нур кўринишида қалбга киради.

Инсоннинг руҳий оламини бир бутун хазина манбаи деб ҳисоблаган Жалолиддин Румий (1207-1273) Балх шаҳрида туғилиб ўсди. Румий асарларида ташбеҳларга ўралган фалсафий, суфиёна теран ғояларга кенг ўрин берилган.

Жалолиддин Румий Қуръони карим оятлари ва ҳадисларидан фойдаланиб ўзининг “Ичингдаги ичингдадир” асарида шакл ва мазмун, ҳодиса ва моҳият, жисм ва руҳ тушунчаларини ўрганган ҳолда инсон ҳаётида учрайдиган қарама қарши ҳолатлардаги фикрларни илгари суради. Улардан бири: “Одамлар кўп ҳолларда кўзга кўринган ташқи белгилар, сурат шаклларга қараб ҳукм чиқарадилар. Сийрат ва моҳиятни англашга ожизлик қиладилар”⁵. Румий таъкидича, инсон ҳадеб оламнинг ташқи сир саноатига ўралашиб қолмасдан, балки руй бераётган ҳар бир ҳодиса ва жараённинг моҳиятига, келиб чиқиши ва оқибатига эътибор қаратиши лозим. Чунки, моҳиятни эгалламасдан, илм маърифат қозониш мумкин эмас.

Румий инсондаги руҳ тушунчасига эътибор қаратади. У руҳни латиф, мулойим ва назокатли деб билади. “Руҳ ғайбдан инсон қалбига кириб келади,

⁴ Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. Тавҳид асрори.. “Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари. Тошкент-1999 Б.36

⁵ Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.Б 121.

у инсон ҳаётининг асоси”⁶ деган фикрни илгари суради. Демак, инсоннинг руҳий олами унинг тафаккурини, онгини, оламга муносабатини яхлит ифода этувчи мураккаб тизим, деб ҳисобласак бўлади. Айнан инсон онги, тафаккури билан эришган бугунги фан ютуқлари, техника тараққиёти албатта тафаккурдан ҳам юқори бўлган руҳият оламига тегишли. Инсон ижодкор мавжудот, ижод жараёни руҳий ҳолат ҳисобланади. Унда мантиқ белгилаган тафаккур ожизлик қилганда инсонни руҳият билан боғловчи кўприк интуиция намоён бўлади. Объект ва субъектнинг (тадқиқотчи ва предметнинг) ўзаро муносабати ҳиссий билиш, ақлий билиш, эмоционал билиш жараёнида инсоннинг руҳияти бевосита иштирок этади. Инсон жисмоний хусусият ва руҳий ҳислатлар бирлигидан иборат яхлит тизим. Унинг бир қаноти илмий тафаккур бўлса, бир қаноти руҳий-маънавий олами ҳисобланади.

Жалолиддин Румий руҳнинг хусусияти деб мулоҳимликни келтиради. “Мулоҳимлик юксак мартабага кўтарилган руҳ фазилати, у инсонни тараққиёт такомиллик, уйғунлик – гармония белгиси”⁷ деб ҳисоблайди. Бизга маълумки, инсон яратган маданият ва маънавият (музыка, рассомлик, шеърят) инсон руҳиятидаги мулоҳимлик хусусияти туфайли намоён бўлади. Инсоният тараққиёти кўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаҳлдан ақлга томон ҳаракатдадир.

Румий таъкидича, инсон Тангрининг устурлобидир ва бу устурлобда бутун олам кўринади. Инсоннинг руҳий борлиғи ундаги илоҳий кучдир ва бу куч оламдаги барча нарсаларни бирлаштиради. Шу боис инсонни ижодкор деб атай оламиз. Инсондан ташқаридаги олам унинг ички оламида акс этади. Бу икки оламини бирлаштирувчи инсон эса ўзининг руҳий қудрати орқали оламга нур таратиб туради ва олам моҳияти инсон руҳий ҳаётининг моҳияти орқали очилади. Ж.Румий фикрича, инсон қалбигина нарсаларнинг

⁶ Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. Б 122.

⁷ Румий, Жалолиддин. Маънавий Маснавий: Куллийёт. Ж.1.К.1/ Таржима шаҳри билан; / Таржимон А. Маҳкам; Маъсул муҳаррир Т. Маҳмудов/.—Т.: Шарқ, 1999. Б 9.

моҳиятидан хабардор. Лекин бунинг учун инсон қалби пок ва равшан бўлмоғи керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, инсондаги тана, руҳ ва булар натижасидаги тафаккур, муносабат фаолият, эҳтиёж, маънавият бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини юзага келтирадиган руҳий ва ақлий ҳолатлар ҳисобланади. Инсон ижодкор, яратувчи мавжудот экан, биз уни болалигидан тўғри таълим-тарбия, ақлий тарбия билан бирга маънавий тарбияни ҳам шакллантиришимиз зарурдир. Бугунги маънавиятли ёшлар эртага келажагимиз бўлиши, шубҳасиз.

Техника тараққиётининг бугунги кундаги ютуқлари инсониятга қўлай имкониятлар яратиши билан бирга тафаккурини ўзгартириши, сустрлаштириши билан маънавиятига салбий таъсирини кўрсатиши сир эмас. Шу боис бир қанча муаммолар қаторига “маънавий инқироз” тушунчасини киритиш долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Хўш, маънавият нима ўзи, уни кўриб, ўшлаб бўладими, уни қандай тушуниш мумкин, каби саволларга жавоб беришдан олдин биз бу тушунчанинг фалсафий моҳиятига эътибор қаратамиз. Руҳиятнинг энг юксак кўриниши маънавият —инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч. Маънавият инсоннинг руҳий ва ақлий оламининг бирлигини ифодаловчи тушунча. У “Кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, баъдий, диний тасаввурларини ўз ичига олади⁸” демак, маънавият ижтимоий муҳитда шаклланадиган қадриятлар тизими, десак адашмаймиз. Инсонга ижтимоий муҳит бевосита ва билвосита таъсир кўрсатар экан, инсонда ўзаро таъсирлар жараёнида салбий ва ижобий ҳислатлар шаклланиб боради. Маънавиятнинг ўзагини, асосини ташкил этувчи тушунчаларга онг, тафаккур кабиларни киритиш мумкин. Бу

⁸ Фалсафа: энциклопедик луғат/ ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти.—Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010.—Б 178

тушунчаларга батафсил ёритиш билан бирга, мавзунинг мазмунини янада чуқурроқ тушунишга эришамиз.